

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА КАСБИЙ ВА ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИКНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Жалилов Сарвар Хамиджонович

Подполковник Лавозими: ИИВ Академияси

Магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20664937>

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларининг касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ташкил этишнинг янгиланган ҳуқуқий-ташкилий механизми, хусусан, Ички ишлар вазирининг 2025 йил 10 октябрдаги 600-сон буйруғи билан жорий этилган тартиб таҳлил қилинган. Тайёргарлик жараёнини режалаштириш, ўтказиш, рақамли назорат қилиш, баҳолаш, малака тоифаларини бериш ва рейтинг тизимининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган, мавжуд муаммолар аниқланиб, тизимни такомиллаштиришга доир таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, касбий тайёргарлик, жисмоний тайёргарлик, жанговар тайёргарлик, малака тоифаси, рейтинг баҳолаш, рақамли назорат, тест синови, KPI.

Аннотация. В статье анализируется обновлённый правовой и организационный механизм организации профессиональной, физической и боевой подготовки сотрудников органов внутренних дел Республики Узбекистан, в частности, порядок, введённый приказом Министра внутренних дел от 10 октября 2025 года № 600. Раскрываются особенности планирования, проведения, цифрового контроля и оценки процесса подготовки, а также системы присвоения квалификационных категорий и ведения рейтинга. Кроме того, выявляются существующие проблемы и выдвигаются предложения по совершенствованию системы.

Ключевые слова: органы внутренних дел, профессиональная подготовка, физическая подготовка, боевая подготовка, квалификационная категория, рейтинговая оценка, цифровой контроль, тестирование, KPI.

Abstract. The article analyzes the updated legal and organizational mechanism for organizing professional, physical, and combat training for employees of the internal affairs bodies of the Republic of Uzbekistan, specifically the procedure introduced by Order No. 600 of the Minister of Internal Affairs dated October 10, 2025. The features of the system for planning, conducting, digital control, evaluation, assignment of qualification categories and rating of the preparatory



process are revealed, existing problems are identified, and proposals for improving the system are put forward.

Keywords: internal affairs bodies, professional training, physical training, combat training, qualification category, rating assessment, digital control, test, KPIs.

Ички ишлар органларида хизмат ўташ ходимлар зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини ҳамда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш каби мураккаб вазифаларни юклайди¹. Ушбу вазифаларнинг сифатли бажарилиши бевосита шахсий таркибнинг касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарлик даражасига боғлиқдир. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасида ходим махсус тайёргарликдан, шунингдек жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини текшириш учун даврий текширувдан ўтиши шартлиги, текширувдан ўта олмаган ходим эса аттестациядан ўтказилиши белгилаб қўйилган.² Шу тариқа касбий ва жанговар тайёргарлик ИИО ходими учун ихтиёрий эмас, балки қонун даражасида мустақамланган мажбурий хизмат таркибига айлантирилган.

Сўнгги йилларда ушбу соҳада изчил ислохотлар амалга оширилди: Президентнинг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон қарори ИИО кадрлари билан ишлаш ва хизматни ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштиришнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда;³ 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарори органларни халқчил профессионал тузилмага айлантиришга йўналтирилди⁴ Ушбу ҳужжатлар ижроси сифатида Ички ишлар вазирининг 2025 йил 10 октябрдаги 600-сон буйруғи қабул қилиниб, у билан жисмоний ва жанговар тайёргарликни ташкил этиш йўриқномаси, жисмоний тайёргарлик ва ўқ отиш машғулоти қоидалари, малака тоифасини бериш ҳамда рейтинг баҳолаш тизими тўғрисидаги низомлар тасдиқланди; шахсий таркибнинг

¹ Ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ташкил этиш, малака тоифасини бериш ҳамда рейтинг баҳолаш тизими. ЎзР ИИВ тизими таълим муассасаси ўқув-услубий материали. Тошкент, 2025

² Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, 21-модда. lex.uz/acts/3027843 (мурожаат санаси: 11.05.2026)

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори: <https://lex.uz/docs/3430641> (мурожаат санаси: 11.05.2026).

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори www.lex.uz (мурожаат санаси: 11.05.2026).



жисмоний ва жанговар тайёргарлигини таъминлаш ИИО бошлиқларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.⁵ Мазкур мақоланинг мақсади янги тартибнинг ўзига хос жиҳатларини илмий таҳлил қилиш ва уни амалиётга татбиқ этишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли таҳлил қилиш, ҳужжатларни ўрганиш, қиёсий-ҳуқуқий ва мантиқий умумлаштириш методларидан фойдаланилди. Эмпирик база сифатида ИИВнинг 2025 йил 10 октябрдаги 600-сон буйруғи ва унинг иловалари, тегишли ўқув-услубий материаллар ҳамда соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари хизмат қилди.

600-сон буйруқ билан тасдиқланган Йўриқномада таянч тушунчалар аниқ норматив таърифга эга бўлди. Унга кўра, жисмоний тайёргарлик шахсий таркибнинг жисмоний имкониятларини ривожлантириш, хизмат вазифаларини бажаришда қўл жанги ва самбо усуллари билан боғлиқ махсус ҳаракатларни мустаҳкамлашга қаратилган жараён; жанговар тайёргарлик эса — ходимнинг хизмат вазифаларини бажариш вақтида, жанговар ҳаракатларда, экстремал шароитларда ва жанговар шайликнинг юқори даражаларида самарали ҳаракат қилиши учун зарур ҳарбий маҳорат, тезкор-тактик ва жисмоний ҳолатни шакллантиришга йўналтирилган амалий кўникмалар босқичи сифатида белгиланган. Машғулотларнинг бош мақсади мураккаб ва фавқулодда вазиятларда тўғри қарор қабул қила оладиган ходимларни тайёрлаш этиб қўйилгани диққатга сазовор: бу таъриф тайёргарликни соф жисмоний категориядан интеллектуал-иродавий категорияга кенгайтиради ва уни касбий тайёргарликнинг ажралмас қисми сифатида талқин этади.

Янги тартибнинг таҳлили қуйидаги ўзига хос жиҳатларни ажратиш имконини беради.

Биринчидан, ўқув жараёнининг қатъий цикллилиги. Ўқув йили ҳар йили 1 январдан 1 октябрга қадар давом этади, 1 октябрдан 30 декабрга қадар эса рақамли назорат тизими орқали синовлар қабул қилинади; жисмоний машғулотлар доимий қоида тариқасида ҳафтанинг сешанба ва шанба кунлари ўтказилади. Жисмоний тайёргарликка ўқув йили давомида хизмат вақти ҳисобидан 100 соат ва мустақил тайёргарлик учун шахсий вақт ҳисобидан яна 100 соат ажратилиши хизмат ва шахсий масъулиятни

⁵Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2025 йил 10 октябрдаги 600-сон «Ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ташкил этиш, малака тоифасини бериш ҳамда рейтинг баҳолаш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги буйруғи. — Тошкент, 2025





уйғунлаштиради.⁶

Иккинчидан, жанговар тайёргарликнинг модулли тузилиши. Жанговар тайёргарликка ажратилган 80 соат махсус-тактик тайёргарлик (16 соат), махсус-тезкор тадбирлар (8 соат), ўқ отиш тайёргарлиги (24 соат), Қуролли Кучлар низомлари (6 соат), ҳарбий топография (2 соат), ҳарбий-тиббий тайёргарлик (4 соат), алоқа тайёргарлиги (4 соат) ва саф тайёргарлиги (16 соат) йўналишлари кесимида тақсимланган [7]. Ўқ отишга энг катта улуш ажратилгани қурол қўллаш билан боғлиқ хизмат вазиятларининг юқори хатарлигидан келиб чиқади ва илмий адабиётларда илгари сурилган, қуролдан фойдаланиш амалиёти таҳлили асосида ўқ отиш машғулоти соатларига тузатиш киритиш ғоясига ҳамоҳангдир⁷.

Учинчидан, мавсумийлик тамойили. Жисмоний машғулотлар йил давомида уч мавсумга бўлиниб, биринчи тўрт ойда енгил атлетика, иккинчисида сузиш, учинчисида кроссфит устувор бўлади; барча мавсумларда курашнинг жанг усуллари (қўл жанги, самбо, дзюдо) ва жамоавий спорт турлари сақланиб қолади. Машғулотларга Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси мутахассислари ҳамда қўл жанги, самбо, кураш ва дзюдо федерациялари мутахассислари жалб этилиши ўқитиш сифатини профессионаллаштиришга хизмат қилади.

Тўртинчидан, рақамлаштириш. Давомат электрон журнал орқали юритилади, машғулотлар рақамли технологиялар ёрдамида назорат қилинади, синовлар рақамли назорат тизими орқали қабул қилинади, тест синовлари видеокузатув камералари ўрнатилган махсус хоналарда ёки мобиль тест марказлари ва махсус дастурий таъминотли планшетлар орқали ўтказилади; профессор-ўқитувчилар фаолияти эса "Smart reytng" автоматлаштирилган электрон рейтинг тизими орқали баҳоланади. Бу баҳолашдаги субъективликни камайтиришга қаратилган тизимли қадамдир.

Бешинчидан, баҳолашнинг комплекс ва кўп босқичли тизими. Ходимнинг ҳолати уч йўналиш: жисмоний (30 балл), жанговар (20 балл) ва тест (50 балл) синовлари йиғиндиси бўйича 100 баллик шкалада баҳоланади; тест 50 саволдан иборат бўлиб, ахборот-коммуникация

⁶Ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний ва жанговар тайёргарлиги ҳамда тест синовини қабул қилиш тартибини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома: ЎЗР Ички ишлар вазирининг 2025 йил 10 октябрдаги 600-сон буйруғига 1-илова. — Тошкент, 2025.

⁷Ички ишлар органлари ходимларининг қурол қўллаши масалалари // Journal of Advanced Research and Stability. Тошкент, 2023.URL: <https://sciencebox.uz/index.php/jars/article/download/11367/10377/11257> (мурожаат санаси: 11.05.2026).



технологиялари, маънавий-маърифий тайёргарлик ва касбий маданият кодекси, жанговар тайёргарлик ҳамда хизмат йўналиши бўйича блокларни қамраб олади. Назорат вертикали ҳам аниқ қурилган: чорак якунлари туман (шаҳар) ИИБ биринчи раҳбари, ярим йиллик — ҳудудий бўлинма бошлиғи, йил якуни эса Ички ишлар вазири ҳузурида танқидий муҳокама қилинади; нотўғри маълумот тақдим этган ёки натижалари ёмонлашган бўлинма раҳбарларига интизомий чора кўрилади.

Олтинчидан, рағбатлантириш ва таъсир чораларининг уйғунлиги. Уч йўналишдан кетма-кет икки йил "аъло" баҳо олган ходим бир ойлик маош миқдорида мукофотланади; "қониқарсиз" баҳо биринчи марта 3 ойлик огоҳлантиришга, иккинчи марта 9 ойлик синов муддати ва устамаларни тўхтатишга, учинчи марта лавозимни пасайтириш ёки хизматдан бўшатишгача олиб келади. Бундан ташқари, малака тоифалари ("учинчи", "иккинчи", "биринчи", "уста") хизмат стажи ва 70 баллдан юқори натижа асосида кетма-кет берилиб, ойлик устама билан боғланган; фан доктори (DSc) даражасига эга "биринчи" тоифали ходимларга "уста" тоифаси синовларсиз берилиши илмий фаолиятни рағбатлантиради. Касбий маҳоратни оширишнинг мусобақа шакли сифатида "Касбий олимпиада ўйинлари" ва "Касб аълочиси" кўкрак нишони институтлари ҳам жорий этилган.

Еттинчидан, саломатликка йўналтирилган ёндашув. Тартибнинг янги жиҳати ходимларнинг антропометрик кўрсаткичлари мониторинги: семизлик даражасига эга ходимларнинг тана вазни индекси ҳар ойда тиббиёт хизматлари томонидан кузатилади, III даражали семизлик аниқланган ходимлар лавозимга яроқлиликни аниқлаш учун ҳарбий-тиббий комиссия кўригидан ўтказилади. Шунингдек, шахсий таркиби 50 нафардан кўп бўлган туман (шаҳар) органларида "Street Workout" майдончаларини ташкил этиш назарда тутилгани оммавий жисмоний фаолликни инфратузилма билан таъминлашга қаратилган.

Шу билан бирга, тизимни амалга оширишда қатор муаммоли жиҳатлар кўзга ташланади.

Биринчи муаммо - **норматив базанинг тез-тез янгиланиши натижасида барқарорликнинг етишмаслиги:** 2024 йил 5 октябрдаги 555-сон буйруқ бир йил ўтмай 600-сон буйруқ билан бекор қилинди. Бу такомиллашув жараёнининг жадаллигини кўрсатса-да, жойлардаги ижрочилар учун методик мослашув даврининг қисқалиги ўзлаштириш сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Иккинчи муаммо - **юклама билан реал хизмат шароити ўртасидаги зиддият.** Йилига жами 180 соатлик режали машғулот (жисмоний 100 + жанговар 80) ҳамда 100 соатлик мустақил тайёргарлик суткалик хизмат, навбатчилик ва тезкор вазифалар билан банд ходимлар учун амалда тўлиқ бажарилиши мушкул; узрли сабаб билан қатнашмаганлар учун 16:00–18:00 даги мустақил машғулот имконияти назорат механизми заиф бўлганда расмиятчиликка айланиб қолиши хавфи бор.

Учинчи муаммо - **моддий-техник базанинг нотекислиги.** Электрон тир хоналари, видеокузатувли тест синфлари, замонавий спорт иншоотлари барча туман бўлинмаларида бирдек мавжуд эмас;

Тўртинчи муаммо - **баҳолашда холислик масаласи.** Рақамли назорат жорий этилаётганига қарамай, жисмоний ва жанговар синовларнинг бир қисми комиссия аъзоларининг бевосита кузатуви асосида баҳоланади; нотўғри маълумот ёзиш ҳолатлари учун интизомий жавобгарлик назарда тутилгани ушбу хатарнинг амалда мавжудлигини билвосита тасдиқлайди.

Бешинчи муаммо - **руҳий-психологик компонентнинг нисбий заифлиги.** Тест блокида маънавий-маърифий тайёргарлик мавжуд бўлсада, стрессга чидамлилик, экстремал вазиятда қарор қабул қилиш каби психологик сифатларни ўлчайдиган алоҳида баҳолаш воситалари тизимда тўлиқ акс этмаган. Ҳолбуки, юридик психология фанида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими фаолиятининг муваффақияти унинг профессионал-психологик тайёргарлиги билан бевосита боғлиқлиги асослаб берилган.⁸

Юқоридаги таҳлил асосида қуйидагиларни таклиф этиш мумкин: жанговар тайёргарлик соатлари доирасида вазиятли тренажёрлар ва виртуал симуляторлардан фойдаланишни кенгайтириб, баҳолашни тўлиқ автоматлаштирилган кўрсаткичларга ўтказиш; хизмат юкламаси юқори тоифадаги ходимлар (навбатчилик хизмати, патруль-пост хизмати) учун машғулотларнинг мослашувчан жадвалини жорий этиш; малака тоифаси синовлари таркибига психологик тайёргарликни баҳоловчи стандартлаштирилган методикаларни киритиш; ҳудудий бўлинмаларнинг ўқув-моддий базасини паспортлаштириб, жиҳозланганлик даражасини рейтинг баҳолаш мезонларига киритиш; нотўғри маълумот тақдим

⁸ Столяренко А.М. Прикладная юридическая психология: учеб. пособие для вузов. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. — 639 с.



этилишининг олдини олиш учун синов жараёнларини видеохужжатлаштиришни барча босқичларда мажбурий қилиш.

ИИВнинг 600-сон буйруғи билан жорий этилган тартиб касбий ва жанговар тайёргарликни ташкил этишда сифат жиҳатидан янги босқични ифодалайди: у қонун талабини (ЎРҚ-407, 21-модда) аниқ ташкилий механизм қатъий ўқув цикли, модулли соатлар тақсимоти, рақамли назорат, кўп босқичли баҳолаш, малака тоифалари ва рейтинг тизими орқали амалга татиқ этади ҳамда рағбатлантириш ва жавобгарликни уйғунлаштиради. Айти пайтда тизимнинг самарадорлиги моддий-техник базани тенглаштириш, баҳолаш холислигини технологик кафолатлаш, хизмат юкмасини ҳисобга олувчи мослашувчан ёндашувлар ва психологик тайёргарликни тизимлаштириш каби масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқ бўлиб қолади. Ушбу йўналишлардаги изчил ишлар шахсий таркибнинг доимий жанговар шайлигини таъминлаб, пировардида жамоат хавфсизлиги ва фуқаролар ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ташкил этиш, малака тоифасини бериш ҳамда рейтинг баҳолаш тизими: 8-мавзу бўйича маъруза матни / ЎЗР ИИВ тизими таълим муассасаси ўқув-услубий материали. — Тошкент, 2025. — 1-машғулот, 1-савол.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, 21-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. — [Электрон ресурс]. — URL: <https://lex.uz/acts/3027843> (мурожаат санаси: 11.06.2026).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. — [Электрон ресурс]. — URL: <https://lex.uz/docs/3430641> (мурожаат санаси: 11.06.2026).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. — www.lex.uz (мурожаат санаси: 11.06.2026).





5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 25 августдаги 536-сон “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини такомиллаштириш орқали соҳада малака салоҳиятини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. — www.lex.uz (мурожаат санаси: 11.06.2026).

6.Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2025 йил 10 октябрдаги 600-сон “Ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ташкил этиш, малака тоифасини бериш ҳамда рейтинг баҳолаш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги буйруғи. — Тошкент, 2025.

7.Ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний ва жанговар тайёргарлиги ҳамда тест синовини қабул қилиш тартибини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома: ЎзР Ички ишлар вазирининг 2025 йил 10 октябрдаги 600-сон буйруғига 1-илова. — Тошкент, 2025.

8.Ички ишлар органлари ходимларининг қурол қўллаши масалалари // *Journal of Advanced Research and Stability*. — Тошкент, 2023. — [Электрон ресурс]. — URL: <https://sciencebox.uz/index.php/jars/article/download/11367/10377/11257> (мурожаат санаси: 11.06.2026).

9.Столяренко А.М. Прикладная юридическая психология: учеб. пособие для вузов. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. — 639 с.

